

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлади

Даъвогар шаҳар ҳокимлиги судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, А.Жалилов давлат уй-жой фондига тегишли низоли уй-жойнинг тўловларини тўламаган ҳолда, ноқонуний яшаб келганлиги ва бир неча мартаба огоҳлантирилишига қарамай низоли уйни бўшатиб бермаётганлигини кўрсатиб, уни уйдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2009 йил 10 июндаги ҳал қилув қарорига кўра шаҳар ҳокимлигининг даъво талаблари қаноатлантирилиб, А.Жалилов вояга етмаган фарзандлари билан низоли квартирадан кўчирилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2009 йил 4 сентябрдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишни кўришда судлар томонидан қатор процессуал қонун нормалари бузилишига йўл қўйилган.

Хусусан, фуқаролик иши шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари томонидан имзоланган даъво ариза асосида қўзғатилган ва мазмунан кўрилиб, даъво қаноатлантирилган. Суд томонидан шаҳар ҳокими ўринбосарининг даъво аризани имзолаш ваколати бор-йўқлигига аниқлик киритилмаган.

Шунингдек, суд шаҳар ҳокимлиги вакилига берилган ишончнома ҳокимлик муҳри билан тасдиқланмаган ҳолда уни судда вакил тариқасида қатнашишига йўл қўйган.

Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 53-моддасига кўра вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши лозим.

Бундан ташқари биринчи инстанция суди фуқаролик ишини жавобгар А.Жалиловнинг иштирокисиз Фуқаролик процессуал кодексининг 224-моддасига асосан кўриб, ҳал этган. Суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича тўғри хулосага келиш мақсадида жавобгар А.Жалиловнинг ишда иштирокини таъминлаш чораларини кўрмаган ҳамда унга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга имкон бермаган, жавобгар суд мажлисига ФПК 132, 136-моддаси талабларига риоя этган ҳолда чақирилмаган.

ФПКнинг 314-моддаси 2-қисми 2-банди талабига кўра, иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда бекор қилиниши шарт.

Вилоят суди кассация инстанцияси биринчи инстанция суди йўл қўйган хатоликларни бартараф этиш ўрнига ўзи ҳам хатоликка йўл қўйган. Хусусан, А.Жалиловнинг ҳақиқатан ҳам, оиласига 2 хонали уй берилганлиги, кейинчалик оилавий келишмовчиликлар сабабли 2 та бир хонали уйга алмаштирганлиги ҳақидаги ҳамда шифохонада даволанишда бўлганлиги сабабли суд чақирув қоғозини олмаганлиги, уй учун тўловларни муддатида тўлаб келганлиги ҳақидаги кассация шикоятда келтирган вазлари текширилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 24 январдаги ажрими билан Олий суд раиси ўринбосари томонидан келтирилган протест қаноатлантирилиб, суд қарорлари бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

ФСХ-46-11-сонли ажрим

